

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИҚУЛОВ ДАВЛАТБЕК НАЗАРАЛИЕВИЧ

**ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ (*CALENDULA OFFICINALIS L.*)
ЎСИМЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ
БИОЭКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА УЛАРНИНГ
МИҚДОРINI БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Table of Contents of Doctor's Dissertation Abstract (PhD) in Agricultural
Sciences**

Рўзиқулов Давлатбек Назаралиевич

Доривор тирноқгул (*Calendula Officinalis* L.) ўсимлигининг асосий зараркунандалари биоэкологиясини ўрганиш асосида уларнинг миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш.....3

Рузикулов Давлатбек Назаралиевич

Разработка методов управления численности основных вредителей лекарственной растений календулы (*Calendula officinalis* L.) на основе изучения их биоэкологии.....21

Ruzikulov Davlatbek Nazaraliyevich

Development of methods for controlling the number of major pests of the medicinal plant calendula (*Calendula officinalis* L.) based on studying the bioecology of their occurrence.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01-РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИҚУЛОВ ДАВЛАТБЕК НАЗРАЛИЕВИЧ

**ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ (*CALENDULA OFFICINALIS L.*)
ЎСИМЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ
БИОЭКОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА УЛАРНИНГ
МИҚДОРINI БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Qx 1034 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.psuyaiti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Холлиев Асамиддин Тураевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Эшчанов Баходир Рузумбоевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент Акромов Бахтияр Акмалович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: paxta.uz@gmail.ru

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д.,
профессор

Ф.М.Ҳасанова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.н., профессор

Ж.Ҳ.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда доривор экинларни етиштириш, уни фармацевтика корхоналарида қайта ишлаш ҳисобига аҳолини сифатли дори-дармон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Фармсаноатда ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг 50% дан кўпроқ қисми доривор ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрланмоқда, айниқса, юрак-қон томир касалликларини даволашда ва профилактикаси учун фойдаланиладиган доривор препаратларнинг 77%, жигар ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланиладиган доривор препаратларнинг 74%, балғам кўчирувчи дориларнинг 73%, қон тўхтатувчи дориларнинг 60% доривор ўсимликлар хом-ашёси асосида ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда Ҳиндистон, Хитой, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларда ҳамда Республикамизда доривор ўсимликларда бир қанча турдаги жумладан, қарсилдоқ ва қора кўнғизлар, илдиз кемирувчи тунламлар, ширалар, оққанотлар, ғўза тунлами ва бошқа зараркунандалар зарар етказиб ҳосилдорликни 25-30% гача камайиши ҳамда ўсимликларни нобуд бўлишига сабаб бўлади¹. Шунга кўра аҳолини сифатли дори-дармон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришда ушбу экинларнинг зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ҳамда юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда фармацевтика соҳасини ривожлантиришда асосий дори-дармон олинадиган ўсимликларда зарар етказадиган зараркунандаларининг тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши ва зарар келтириш даражасини ўрганган ҳолда уларга қарши кураш чорасини ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган илмий-изланишлар муҳим ҳисобланади. Дори-дармон маҳсулотларининг сифати, ҳажми ва турларини кенгайтиришда янги турдаги ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни маданийлаштириш, плантацияларини кенгайтириш, ўз навбатида доривор ўсимликларни зараркунандаларга қарши экологик хавфсиз ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон шароитида аҳолининг доривор ўсимликларга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Доривор ўсимликларнинг зараркунанда ҳашаротларига қарши кураш усулларини такомиллаштириш натижасида ҳосилдорликни сезиларли даражада сақлаб қолиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 октябр 2019 йилдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»² ги Фармонида биологик хавфсизликни таъминлаш, қишлоқ хўжалигида табиий ресурслар, пестицидлар ва кимёвий

¹ www.fao.org.2023.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

воситалардан фойдаланишни назорат қилиш борасида институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Шу муносабат билан доривор ўсимликлар зараркунандаларига қарши курашишнинг самарали усулларида фойдаланган ҳолда ундан олинадиган ҳосилдорликни ошириб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сонли «Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни кўллаб-қувватлаш орқали кўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор тирноқгул ўсимлигининг зараркунандаларини тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси ва энтомопатоген микроорганизмлари бўйича хорижий олимлардан Sabbor Magda, Khan A.A., Khan M.S., Raj S.K., Naqvi Q.A., Suchithra Kumari MN, Srinivas MP, Елисеева Татьяна, Roberts D.W., Bauer E., T., Campbell R.K., Roberts D.W., Casagrande Poprawski T.J., Lipa J.J., Rasocha V. тадқиқотлар олиб боришган. МДХ мамлакатлари олимларидан Ефимов А.Л., Боева О.Ю., Леднев Г.Д., Барашква П.В., Ярославцева О.Н., Лукина А.Б., Макаров Е.М., Павлюшин В.А., Фасулати С.Р. кабилар популяциясининг шаклланиши, биоэкологик хусусиятлари ва унга қарши кураш чоралари юзасидан тадқиқотлар олиб боришган. Ўзбекистон шароитида Дусманов С.Э., Холлиев А.Т. лар томонидан инновацион лойихада доривор ўсимликлар зараркунандаларини тур таркиби, тарқалиши ва уларга қарши кураш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотлар таҳлили доривор экинлар зараркунандаларига қарши кураш бўйича илмий тадқиқотлар етарли ўтказилмаганлигини кўрсатади. Шу сабабли бу йўналишда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий ишлари режаси асосида Ўсимликларни химояси ва карантини кафедрасида “Янги кимёвий воситаларни синовдан ўтказиш ва биологик самарадорлигини аниқлаш” (2020-2024 й.й.) ва “Қишлоқ хўжалик

экинлари заракундалари миқдорини бошқариш усулларини такомиллаштириш” ҳамда АЛ-702205635-“Сабзавотларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда “тузоқ ўсимликлар трап кроп” лардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзулари доирасида бажарилган (2023-2024 й.й.).

Тадқиқотнинг мақсади Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг зараркундаларини тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, зарари ва тарқалишини ўрганиш асосида уларни миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигида учрайдиган зараркундаларнинг тур таркиби, биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши ва зарарини аниқлаш;

доривор тирноқгул ўсимлигининг зараркундалари табиий кушандаларининг тур таркиби ва энтомофаунасини шаклланишини ва энтомофагларни қўллаш муддатларини белгилаш ҳамда биологик самарадорлигини аниқлаш;

доривор тирноқгул экинида кемирувчи зараркундаларга қарши микробиологик препаратлардан Лепидоцид БФ-3000, Престеж, суюқ, Helitec, SC препаратларини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш;

доривор тирноқгул ўсимлигининг сўрувчи зараркундаларидан, ўргимчаккана, ширалар, трипслар, оққанотлар, ўсимликхўр қандалаларга қарши Биослип БВ суюқ., Биослип БТ кук., чигирткалар, темирчакларга қарши Новакрид, н.кук., препаратларини биологик самарадорлигини аниқлаш;

доривор тирноқгул ўсимлигининг агротехник тадбир сифатида фосфорли-калийли ўғитлар билан экишдан олдин ерга ишлов бериш ҳамда экиш схемасини зараркундаларга таъсирини аниқлаш;

доривор тирноқгул зараркундаларига қарши кураш чораларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигида тарқалган кўнғизлар, илдиз кемирувчи тунламлар, ширалар, оққанотлар, қандалалар, трипсларлар ҳамда паразит-йиртқич энтомофаглардан олтинкўз, бракон, трихограмма олинган.

Тадқиқотнинг предмети этиб доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг асосий зараркундаларига қарши қўлланиладиган Лепидоцид БФ-3000, Престеж, суюқ, Helitec, SC, Биослип БВ суюқ., Биослип БТ кук. ҳамда Новакрид, н.кук. каби биологик воситалар олинган.

Тадқиқот услублари. Доривор тирноқгул экинида учрайдиган зараркунанда ва энтомофагларнинг тур таркибини аниқлаш, тарқалиши ва зарарини ҳисоблаш ва намуналар йиғишда Г.Е.Осмоловский, К.К.Фасулати, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, Танский, Г.Я.Бей-Биенко, Л.М.Копаневалар услубларидан фойдаланилди ҳамда зараркундаларнинг

биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этишда К.К.Фасулати, Б.В.Добровольский, А.Н.Кожанчиков услубларидан фойдаланилган. Табиий кушандаларнинг турлари, тарқалиши ҳамда уларни зараркундаларга қарши қўллашда, Х.Р.Мирзалиева ва Х.Х.Кимсанбаев услублари асосида аниқланган. Зараркундаларга қарши кураш чораларини олиб боришда Ш.Т.Хўжаев услубий кўрсатмалари асосида бажарилган, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг биологик самарадорлиги ва объектнинг табиий учраши (назорат)ни аниқлаш Abbot формуласи ёрдамида ҳисобланган, агротехник тадбирларнинг асосий зараркундалар ривожланиши ва зичлигига таъсири И.Ф.Павлов, М.Д.Вронских, Б.В.Яковлев услублари асосида тадқиқ этилган, тажрибаларда олинган натижалар Б.А.Доспехов, В.Попов услублари бўйича MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди. Доривор ўсимликлар зараркундаларига қарши кураш усулларининг иқтисодий самарадорлиги К.А.Гар услуби асосида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг доривор тирноқгул (*Calendula Officinalis* L.) ўсимлигида зараркундаларнинг 20 та тури аниқланиб, улардан асосийларини қарсилдоқ ва қора қўнғизлар, илдиз кемирувчи тунламлар, ширалар, оққанотлар, қандалалар, трипсларларнинг тарқалиши, зарари ҳамда биоэкологик ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

доривор тирноқгул ўсимлигининг энтомофаг хашаротларнинг 7 оилага мансуб 9 тури учраши аниқланган, ғўза тунлами ва кузги тунлам қуртларига қарши бракон энтомофагини 1:5, 1:10, 1:15 нисбатларда қўлланилганда 65-70% биологик самарадорликка эришилган;

доривор тирноқгул экинida кемирувчи зараркундаларга қарши микробиологик препаратлардан Лепидотцид БФ-3000 (0,8-1,0 кг/га), Престеж, суюқ (1,5-2,0 л/га), Helitec, SC (0,25-0,33 л/га) препаратлари қўлланилган вариантларда эса 78,6-83,2% гача биологик самарадорлик аниқланган;

доривор тирноқгул (*Calendula Officinalis* L.) ўсимлигининг сўрувчи зараркундаларидан, ўргимчаккана, ширалар, трипслар, оққанотлар, ўсимликхўр қандалаларга қарши Биослип БВ суюқ. (2,5-3,0 л/га), Биослип БТ кук. (1,0-1,2 кг/га) препаратлари қўлланилганда биологик самарадорлик 76,5-84,2% ни, чигирткалар, темирчакларга қарши Новакрид, н.кук. (0,025-0,030 кг/га) препаратлари бўйича тадқиқот олиб борилганда 80-85% гача биологик самарадорлик аниқланган;

доривор тирноқгул ўсимлигининг агротехник тадбир сифатида фосфорли-калийли ўғитлар билан экишдан олдин ерга ишлов берилганда, назоратга нисбатан ўсимлик шираларининг популяцияси сони 26,1-32,1% гача, беда қандаласини сони 18,3-35,9% гача ва ўргимчаккана 16,4-32,5% гача камайганлиги, қатор оралари 30 см ораликда экилган жойларда намсевар зараркундалар зичлиги юқори ва кўп зарарлаши аниқланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

доривор тирноқгул (*Calendula Officinalis* L.) ўсимлигининг асосий

зараркунандаларига қарши жумладан, доривор тирноқгул ўсимлигида кемирувчи зараркунандалардан, ғўза тунлами, кузги тунлам куртларига қарши бракон энтомофаги 1:5, 1:10, 1:15 нисбатларда қўлланилганда биологик самарадорлик 65-70% ни ташкил этган.

Доривор тирноқгул ўсимлигида кемирувчи зараркунандалардан, ғўза тунлами, кузги тунлам куртларига қарши зараркунандаларга қарши микробиологик препаратлардан Лепидоцид БФ-3000 (0,8-1,0 кг/га), Престеж, суюқ (1,5-2,0 л/га), Helitec, SC (0,25-0,33 л/га) препаратлари қўлланилган вариантларда эса 78,6-83,2% гача биологик самарадорлик қайд этилган.

Сўрувчи зараркунандалардан, ўргимчаккана, ширалар, трипслар, оққанотлар, ўсимликхўр қандалаларга қарши Биослип БВ суюқ. (2,5-3,0 л/га), Биослип БТ кук. (1,0-1,2 кг/га) препаратлари қўлланилганда биологик самарадорлик 76,5-84,2% ни, чигирткалар, темирчакларга қарши Новакрид, н.кук. (0,025-0,030 кг/га) препаратлари бўйича тадқиқот олиб борилганда 80-85% гача биологик самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги лаборатория ва дала тажрибаларида қабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги, яъни услубий жиҳатдан тўғрилиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ҳамда хулосаларга асосланганлиги, илмий-тадқиқот чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари Республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти доривор тирноқгулнинг зараркунандаларини систематик таҳлили, асосий зараркунандалар, қора кўнғизлар, қарсилдоқ кўнғизлар, ширалар, трипслар, кузги тунлам, ғўза тунламларининг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари, зарарлилик даражаси ва иқтисодий зарар миқдор мезонини илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тирноқгулнинг асосий зараркунандаларига қарши илмий асосланган муддатларда агротехник, биологик, кимёвий усулларни қўллаш муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқилганлиги ҳамда тирноқгул ҳосилини сақлаб қолиш, аҳолини сифатли дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлаш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Доривор тирноқгул ўсимлигининг асосий зараркунандаларини миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

доривор тирноқгул экинлар етиштирадиган агрокластер ва фермер хўжаликлари учун ўсимлигининг “Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг асосий зараркунандаларини биоэкологиясини ўрганиш асосида уларни миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш” мавзуси

бўйича тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 август 05/06-04-388-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган агрокластер ва фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг кемирувчи зараркунандаларидан ғўза тунлами, кузги тунлам қуртларига қарши бракон энтомофагини биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар Тошкент вилояти Қибрай тумани, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги "Ахборот-маслаҳат маркази"да, Х.К."Гербофарм"да, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани, Қамаш давлат ўрмон хўжалигида ҳамда ББУ-АЗАМАТ МЧЖнинг 19,0 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 август 05/06-04-388-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик 65-70% ни ташкил этган;

доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг сўрувчи зараркунандалардан, ўргимчаккана, ширалар, трипслар, оққанотлар, ўсимликхўр қандалаларга қарши Биослип БВ суюқ. (2,5-3,0 л/га), Биослип БТ кук. (1,0-1,2 кг/га) препаратлари Тошкент вилояти Қибрай тумани, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги "Ахборот-маслаҳат маркази"да, Х.К."Гербофарм"да, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани, Қамаш давлат ўрмон хўжалигида ҳамда ББУ-АЗАМАТ МЧЖнинг 15,0 гектар майдонида жорий этилган. Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг кемирувчи зараркунандаларга қарши микробиологик препаратлардан Лепидоцид БФ-3000 (0,8-1,0 кг/га), Престиж, суюқ (1,5-2,0 л/га), Helitec, SC (0,25-0,33 л/га) препаратлари Тошкент вилояти Қибрай тумани, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги "Ахборот-маслаҳат маркази"да, Х.К."Гербофарм"да, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани, Қамаш давлат ўрмон хўжалигида ҳамда ББУ-АЗАМАТ МЧЖнинг 17,0 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 август 05/06-04-388-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик 78,6-83,2% ни ташкил этган;

доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг кемирувчи чигирткалар, темирчакларга қарши Новакрид, н.кук. (0,025-0,030 кг/га) препаратлари Тошкент вилояти Қибрай тумани, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги "Ахборот-маслаҳат маркази"да, Х.К."Гербофарм"да, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани, Қамаш давлат ўрмон хўжалигида ҳамда ББУ-АЗАМАТ МЧЖнинг 10,0 гектар майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 12 август 05/06-04-388-сон маълумотномаси). Натижада 80-85% биологик самарадорликка эришилган ва гектаридан 22-30% гача ҳосил сақлаб қолинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан апробациядан ўтказилиб, "яхши"

баҳоланган. Йиллик ҳисоботлар университетнинг Услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан журналларда 4 та мақола 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда мақолалар нашр қилинган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Доривор тирноқгул ўсимлигининг зараркунандалардан химоя қилишнинг аҳволи ва истиқболлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигини етиштиришда уларнинг асосий зараркунандаларидан қарсилдоқ ва қора кўнғизлар, илдиз кемирувчи тунламлар, ширалар, оққанотлар, қандалалар, трипслар, ғўза тунламларига қарши кураш чоралари ва уларнинг энтомофагларига тегишли адабиётлар таҳлили берилган.

Ушбу мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбаалар, интернет маълумотлари, дунёнинг етакчи олимларининг илмий ишлари натижалари ўрганилиб, доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигини асосий зараркунандалардан химоя қилишда экологик хавфсиз бўлган кураш чоралари олиб борилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва иш услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг (Тошкент вилояти ва Қашқадарё вилояти) иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар Тошкент вилоятининг Қибрай, Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган ўрмон ва фермер хўжаликларидан олиб борилган.

Доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ўсимлигининг асосий зараркунандаларини ҳисобга олиш, зараркунанда ва энтомофагларнинг

турини аниқлаш учун кузатувлар олиб бориш ва намуналар йиғишда Г.М.Ярославцев, Б.П.Адашкевич, Танский ва б., Г.Й.Бей-Биенко ва б.; доривор ўсимликлар зараркундаларининг биологик ҳамда экологик хусусиятларини ўрганиш ва фенокалендарь тузишда К.К. Фасулати; агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев ва В.Ф.Пересыпкин ҳамда қўлланилган препаратларининг биологик, иқтисодий самарадорликлари W.C.Аббот формуласи асосида аниқланган. Тажриба асосида олинган барча маълумотлар Б.А.Доспехов услублари ёрдамида математик ва статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Доривор тирноқгулнинг зараркундаларини тур таркиби, тарқалиши, зарари ва иқтисодий зарар миқдор мезони» деб номланган учинчи бобида доривор тирноқгул ўсимлигида ўчрайдиган асосий зараркундалари ва тупроқ ости зараркундаларининг тур таркиби, учраш даражаси ҳамда энтомофаглар тур таркиби ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Республикамиз шароитида бир неча турдаги доривор экинлари ихтисослашган ўрмон ва фермер хўжаликларида экиб ўстирилади. Лекин ҳар бир экиннинг ўзига хос зараркундалари мавжуд бўлиб, улар полифаг, олигофаг ва монофагларга бўлинади. Бу зараркундалар келтирадиган зарари айрим йилларда 50-60% гача етади. Доривор тирноқгул ўсимлиги агробиотсенозида мавжуд бўлган асосий зараркундалар ва уларнинг энтомофаглари тур таркибини ўрганиш бўйича Тошкент вилоятининг Қибрай, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманларида ушбу экинларни зараркундаларини тур таркиби аниқланиб, асосий иқтисодий аҳамиятга эга бўлган зараркундалар келтирилган.

1- жадвал

Доривор тирноқгул ўсимлигида 2020-2023 йилларда ҳисобга олинган зараркунанда ҳашарот турлари ва уларнинг учраш даражаси (Тошкент вилояти.)

Т/Р	Зараркунанда турининг номи	Учраши
1.	Узун думли темирчак - <i>Tettigonia caudate</i> Charp.	+
2.	Яшил темирчак – <i>Tettigonia viridissima</i> L.	+++
3.	Қир (турон) чигирткаси – <i>Calliptamus turanicus</i> Tarb.	++
4.	Муйловдор қўнғизсимон чертмакчи - <i>Clon cerambycinus</i> Sem.	++
5.	Туркистон чертмакчиси - <i>Agriotes meticulosus</i> Cond.	+++
6.	Хумкалла (кравчик) қўнғизи – <i>Lethrus pygmaeus</i> Ball.	+
7.	Бурундор қора қўнғиз - <i>Dailognatha nasute</i> Men.	++
8.	Чўл секин юрар қўнғизи - <i>Blapsholaphila</i> F.W.	++
9.	Акация шираси - <i>Aphis medicaginis craccivora</i> Koch..	+++
10.	Илдиз шираси - <i>Rhizoecus falcifer</i>	+
11.	Полиз шираси – <i>Aphis gossypi</i> Glon.	+++
12.	Иссиқхона оққаноти - <i>Trialeurodes vaporariorum</i> Westw	+++
13.	Тамаки трипси – <i>Thrips tabaci</i> Lind.	+++
14.	Беда қандаласи- <i>Adelphocoris lineolatus</i> Goes	++
15.	Кузги тунлам – <i>Agrotis segetum</i> Schiff	+++
16.	Ўза тунлами – <i>Heliothis armigera</i> Hb.	+++
17.	Чипор бронза тусли қўнғиз- <i>Oxythyera cinctella</i> Schaum.	++
18.	Ўргимчаккана - <i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+

Тадқиқотларда тирноқгулнинг бир қанча ихтисослашган ҳамда ҳаммахўр зараркунандалар билан зарарланиши кузатилди. Тунламлар, ўргимчакканалар, чертмакчи қўнғизлар, ширалар, хумкалла қўнғизлар, қандалалар каби зараркунандалар тирноқгул ўсимлигини кучли зарарлаши аниқланди.

Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики учраган зараркунандалардан Тошкент вилояти шароитида 18 тури (1-жадвал) доривор тирноқгул ўсимлигида учраши аниқланган.

Қашқадарё вилоятининг доривор тирноқгул экилган майдонларида ўсимликни турли ривожланиш фазасида 16 тур зараркунанда зарар етказиб, ўсимликни нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда (2-жадвал).

Ушбу зараркунандалар Узун думли темирчак, Яшил темирчак., Италия чигирткаси, Қир (турон) чигирткаси, Мўйловдор қўнғизсимон чертмакчи, Туркистон чертмакчиси, Хумкалла (кравчик) қўнғизи, Бурундор қора қўнғиз, Чўл секин юрар қўнғизи, Акация шираси, Илдиз шираси, Полиз шираси, Иссиқхона оққаноти, Тамаки трипси, Дала қандаласи, Беда қандаласи, Кузги тунлам, Чипор бронза тусли қўнғиз, Ғўза тунлами, Ўргимчакканалар ҳисобланади.


2- жадвал

Доривор тирноқгул ўсимлигида ҳисобга олинган зараркунанда ҳашарот турлари ва уларнинг учраш даражаси (Қашқадарё вилояти)

Т/Р	Зараркунанда турининг номи	Учраши
1.	Яшил темирчак – <i>Tettigonia viridissima</i> L.	++
2.	Италия чигирткаси – <i>Calliptamus italicus</i> L.	++
3.	Қир (турон) чигирткаси – <i>Calliptamus turanicus</i> Tarb.	++
4.	Муйловдор қўнғизсимон чертмакчи - <i>Clon cerambycinus</i> Sem.	+++
5.	Туркистон чертмакчиси - <i>Agriotes meticulosus</i> Cond.	+++
6.	Хумкалла(кравчик) қўнғизи – <i>Lethrus pygmaecus</i> Ball.	++
7.	Бурундор қора қўнғиз - <i>Dailognatha nasute</i> Men.	++
8.	Чўл секин юрар қўнғизи - <i>Blapsholaphila</i> F.W.	+++
9.	Акация шираси - <i>Aphis medicaginis craccivora</i> Koch..	++
10.	Иссиқхона оққаноти - <i>Trialeurodes vaporariorum</i> Westw	++
11.	Тамаки трипси – <i>Thrips tabaci</i> Lind.	+++
12.	Дала қандаласи - <i>Lygus pratensis</i> L.	+++
13.	Беда қандаласи- <i>Adelphocoris lineolatus</i> Goes	+++
14.	Кузги тунлам – <i>Agrotis segetum</i> Schiff	++
15.	Ғўза тунлами – <i>Heliothis armigera</i> Hb.	+++
16.	Ўргимчаккана - <i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+


Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари доривор экинлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликларида доривор тирноқгул ўсимлигида зараркунанда ҳашаротларнинг доминант турлари ва уларнинг учраш даражаси ва тарқалишини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқотлардан олинган.

Натижаларга кўра Тошкент вилояти шароитида доривор тирноқгулнинг жами 18 тур зараркунандалари учраши қайд этилди, учраган зараркунандалардан доривор тирноқгулда узун думли темирчак 2%, яшил темирчак 24,6%, қир (турон) чигирткаси 13,5%, муйловдор қўнғизсимон чертмакчи 14,6%, туркистон чертмакчиси 12,2%, хумкалла (кравчик) қўнғизи 3,1%, бурундор қора қўнғиз 13,2%, чўл секин юрар қўнғизи 12,6%, акация шираси 38,8%, илдиз шираси 9,3%, полиз шираси 39,2%, иссиқхона оққаноти 22,6%, тамаки трипси 22,6%, беда қандаласи 18,1%, кузги тунлам 22,4%, ғўза тунлами 44,3%, Чипор бронза тусли қўнғиз 19,2%, ўргимчаккана 3,1% гача тарқалганлиги кузатилган (1-расм.).




1-расм. Доривор тирноқгул ўсимлигида ҳисобга олинган зараркунанда ҳашарот турлари ва уларнинг тарқалиши (Тошкент вилояти 2020-2023 йиллар).

Қашқадарё вилояти шароитида доривор тирноқгулнинг жами 16 тур зараркунандалари учраши қайд этилди, учраган зараркунандалардан доривор тирноқгулда яшил темирчак 16,4%, италия чигирткаси 13,2%, қир чигирткаси 17,5%, муйловдор қўнғизсимон чертмакчи 29,6%, туркистон чертмакчиси 31,2%, хумкалла (кравчик) қўнғизи 13,5%, бурундор қора қўнғиз 19,5%, чўл секин юрар қўнғизи 23,6%, акация шираси 11,6%, илдиз шираси 9,3%, полиз шираси 39,2%, иссиқхона оққаноти 16,7%, тамаки трипси 36,6%, беда қандаласи 31,1%, кузги тунлам 13,2%, ғўза тунлами 26,4%, ўргимчаккана 9,7% гача тарқалганлиги кузатилган (2-расм.).



2-расм. Доривор тирноқгул ўсимлигида ҳисобга олинган зараркунанда ҳашарот турлари ва уларнинг тарқалиши (Қашқадарё вилояти 2020-2023 йиллар)

Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари доривор экинлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликларида доривор тирноқгул ўсимлигида Тошкент вилояти шароитида доривор тирноқгулнинг жами қайд этилган 18 тур зараркунандалардан яшил темирчак, акация шираси, полиз шираси, иссиқхона оққаноти, тамаки трипси, кузги тунлам, ёўза тунлами, туркистон чертмакчиси каби 8 тур зараркунандаларга Қашқадарё шароитида доривор тирноқгулнинг жами қайд этилган, 16 тур зараркунандалардан туркистон чертмакчиси, чўл секин юрар қўнғизи, полиз шираси, тамаки трипси, беда қандаласи, ёўза тунлами каби 7 тур зараркунандаларга қарши кураш чораларини олиб бориш зарур эканлиги аниқланган (3-расм).




3-расм. Доривор тирноқгул ўсимлигида 2020-2023 йилларда ҳисобга олинган зараркунанда ҳашаротларнинг доминант турлари ва уларнинг учраш даражаси (Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари.)

Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари доривор тирноқгул агробиоценозида зараркунандаларнинг 9 та турдаги энтомофаглари қайд этилди, улар *Bracon hebetor* Say., *Trichogramma pintoii* Voegelé., *Chrysopa carnea* Steph., *Sc. acariphagus* Jakh., *Coccinella septempunctata* L., *Stethorus punctillum* Ws., *Aphidoletes aphidomyza* Rondani, *Syrphus corollae* F. *Orius albipennis* Reut каби энтомофағлар учраб зараркунандаларни нобуд қилишда аҳамияти юқори эканлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «Доривор тирноқгул агробиоценозида зараркунандалардан химоя қилишда ўсимликларни химоя қилишнинг усул ва воситаларини самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида Тирноқгулни асосий зараркунандалардан химоя қилишда агротехник тадбирларнинг аҳамияти, тирноқгулнинг асосий зараркунандаларига қарши энтомофағларни қўллашнинг биологик самарадорлиги, ғўза тунламига қарши микробиологик воситаларнинг самарадорлиги, сўрувчи зараркунандаларига қарши биологик препаратларни қўллаш самарадорлиги бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.


Тадқиқот натижаларига кўра ғўза тунламига қарши Лепидоцид, кук., БФ-3000 ЕА/мг препаратини 0,5 кг/га ишлатилганда тажрибанинг 3 куни 31,1%, 7-куни 33,3% ва 14-куни 42,9% ни ташкил қилди. Лепидоцид, кук. БФ-3000 ЕА/мг препаратини 1 кг/га ишлатилганда самарадорлик 46,1%, 64,9 ва 85,8% ни ҳамда Лепидоцид, кук. БФ-3000 ЕА/мг препаратини 1,5 кг/га ишлатилганда самарадорлик 48,2%, 66,2 ва 87,3% ни, яъни энг юқори биологик самарадорлик 1,5 кг/га ҳисобига 14 куни 87,3 фоизни ташкил этган (4-расм).



4-расм. Ғўза тунлами қуртларига қарши Лепидоцид препаратларини турли микдорларда синашнинг биологик самарадорлиги (Тошкент вилояти Қибрай тумани, Х.К."Гербофарм" 2022 й)

Қашқадарё вилояти, “Қамаши тумани, Б.Б.У-Азамат” МЧЖда 2020-2023 йилларда доривор тирноқгул- (*Calendula officinalis* L) да ғўза тунламига қарши биопрепаратларни биологик самарадорлигини ўрганиш мақсадида кичик дала

тажрибаси Престиж, суюқ (1,5-2,0 л/га), Helitec, SC (0,25-0,33 л/га) препаратларини синовдан ўтказилганда Престиж, суюқ препарати 1,5 л/га сарф меъёрида қўлланилганда 3-куни 32,7% биологик самарадорлик берган бўлса, энг юқори самарадорлик 14-куни 74,2% ни ташкил этди. Ушбу препарат 2,0 л/га сарф меъёрида ўтказилганда 3-куни 43,8% биологик самарадорлик берган бўлса, энг юқори самарадорлик 14-куни 79,4% га тенг бўлди. Кейинги вариантими Helitec, SC 0,25 л/га сарф меъёрида қўлланилганда энг юқори самарадорлик 14-куни 78,3% ни, ушбу препарат 0,33 л/га сарф меъёрида қўлланилган вариантда 83,2% га тенг бўлди (5-расм).



5-расм. Доривор тирноқгул-(*Calendula officinalis* L) да ғўза тунламига қарши биопрепаратларни биологик самарадорлиги

(Кичик дала тажрибаси, Қашқадарё вилояти, “Қамаши тумани, Б.Б.У-Азамат” МЧЖ, 2020-2021 йй.)

Доривор тирноқгулда иссиқхона оққанотига қарши биопрепаратларни биологик самарадорлиги ўрганиш мақсадида Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги Ахборот ва маслаҳат маркази (Extension center)да, 2020-2023 йилларда Биослип БВ суюқ (2,5л/га) ва Биослип БТ (1,2 кг/га) препаратлари синовдан ўтказилди. Бунда Биослип БВ суюқ 2,5 л/га сарф меъёрида тадқиқотлар олиб борилганда биологик самарадорлик 3-куни 62,3% биологик самарадорлик берган бўлса, энг юқори самарадорлик 21-куни 87,5 га тенг бўлди. Қолган кунларда самарадорлик бироз пасайганлиги кузатилди. Кейинги вариантими Биослип БВ, 1,2 л/га сарф меърида қўлланилганда 3-куни 55,1% самара берган бўлса 7-куни биологик самарадорлик 84,1% га тенг бўлди. Қолган кунлари самарадорлик камайиб борди.

Тажрибамизда тирноқгулда кузги тунлам, қарсилдоқ ва қора кўнғизларга қарши Агро гаучо 70% н.кук. (5 кг/т) ва Крейсер Экстра Голд 362 (3 л/т) сус.к препаратлари 20 кун олдин дорилаб экилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, Агро гаучо 70% н.кук. (5 кг/т) препарати билан қўлланилган вариантда ўсимлик униб чиққандан сўнг 21 кунга қадар зараркундалар билан зарарланмади, кейинги 28-кунга келиб 1м² да 0,4 дона зараркундалар мавжудлиги кузатилди ва биологик самарадорлик бунга мос

равишда 92,1% ни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларига кўра, Крейсер Экстра Голд 362 (3л/т) қўлланилган вариантда ўсимлик униб чиққандан сўнг 21 кунга қадар зараркунандалар билан зарарланмади, кейинги 28-кунга келиб 1м² да 0,6 дона зараркунандалар мавжудлиги кузатилди ва биологик самарадорлик бунга мос равишда 87,0% ни ташкил этди.

Тадқиқот натижасига кўра, тирноқгулда қарсилдоқ ва қора қўнғизлар Агро гаучо 70% н.кук. (5 кг/т) ва Крейсер Экстра Голд 362 (3 л/т) сус.к препаратларини 20 кун олдин дориллаб экилганда 30-35 кунга қадар 80-85% гача зараркунандалардан ҳимояланади.

Диссертациянинг «**Доривор тирноқгул агробиоценозида зараркунандаларга қарши қўлланилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида доривор тирноқгул зараркунандаларига қарши қўлланилган препаратлар биологик жиҳатдан юқори самарадорликни намоён қилиши мумкин, бироқ препаратларнинг нархлари юқори бўлганлиги сабабли, уларнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги паст бўлиши мумкин. Бундай ҳолат айниқса қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги паст бўлган лалми ҳудудларда яққол кузатилади. Навбатдаги тадқиқотларимизда доривор тирноқгул ўсимлигининг асосий зараркунандаларига қарши қўлланилган воситаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқладик. Таҷрибалар Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари шароитида 2020-2023 йилларда олиб борилди. Доривор тирноқгул зараркунандаларидан ғўза тунламига қарши Престиж, суюқ, (2,0 л/га), Helitec, SC (0,3 л/га) қўлланилганда хўжалик ва иқтисодий самарадорлик назорат вариантыда ҳар гектаридан ўртача 5,1 ц/га центнердан ҳосил олинди. Престиж, суюқ, (2,0 л/га) препарати қўлланилганда 7,9 центнердан ҳосил олинди. Бу назоратга нисбатан 2,8 центнерга кўп демакдир. Натижада назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 21057,0-23742,1 сўм/га ни, ҳамда сарфланган бир сўмнинг оқланиши 1,7-1,8 мартани ташкил этди. Иссиқхона оққанотига қарши таҷриба ўтказилганда назорат вариантыда 5,9 ц/га Биослип БВ суюқ.(2,5 л/га), қўлланилган вариантда ҳар гектаридан 7,6 центнердан ҳосилдорлик олинган ҳамда назоратга нисбатан 1,7 центнер ҳосил олишга эришилди.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтганда, доривор тирноқгул зараркунандаларидан ғўза тунламига қарши Престиж, суюқ, Helitec, SC (0,3 л/га) препаратлари қўлланилганда сарфланган ҳар бир сўм ўзини 1,7-1,8 мартагача қоплади, ҳимоя усулининг фойдалилиги рентабеллик эса 582,5-621,0% ни ташкил этди. Иссиқхона оққанотига қарши Биослип БВ суюқ.(2,5 л/га), қўлланилган вариантда ҳар гектаридан назоратга нисбатан 1,7 центнергача ҳосил сақлаб қолинган бўлса Биослип БТ кук.(1,2) препарати қўлланилганда 7,1 центнер ҳосил олинган бўлса назоратга нисбатан 1,2 центнер сақлаб қолинган. Иссиқхона оққанотига қарши қўлланилган препаратларни иқтисодий самарадорлиги 9054,4-12389,6 минг сўмни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Доривор тирноқгул зараркунандаларини тур таркибини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқотларга кўра, Тошкент вилояти шароитида 18 тур зараркунанда, Қашқадарё вилоятида эса 16 тур зараркунанда учраб, доривор тирноқгул экилган майдонларида ўсимликни турли ривожланиш фазасида зарар етказиб, ўсимликни нобуд бўлишига сабаб бўлиши кузатилди.

2. Доривор тирноқгулни тупроқ ости зараркунандалари ўрганилганда Мўйловдор кўнғизсимон чертмакчи, чўл секин юрар кўнғизи, бурундор қора кўнғиз, туркистон чертмакчиси, май бузоқ боши кўнғизи, кузги тунлам, хумкалла (кравчик) кўнғизи учраб зарар етказиши аниқланди.

3. Тошкент вилояти шароитида доривор тирноқгул зараркунандаларини тарқалиши ўрганилганда, доривор тирноқгулда узун думли темирчак 2%, яшил темирчак 24,6%, қир (турон) чигирткаси 13,5%, муйловдор кўнғизсимон чертмакчи 14,6%, туркистон чертмакчиси 12,2%, хумкалла (кравчик) кўнғизи 3,1%, бурундор қора кўнғиз 13,2%, чўл секин юрар кўнғизи 12,6%, акация шираси 38,8%, илдиз шираси 9,3%, полиз шираси 39,2%, иссиқхона оққаноти 22,6%, тамаки трипси 22,6%, беда қандаласи 18,1%, чипор бронза тусли кўнғиз 19,2%, кузги тунлам 22,4%, ғўза тунлами 44,3%, ўргимчаккана 3,1% гача тарқалганлиги маълум бўлди.

4. Қашқадарё вилояти шароитида доривор тирноқгулда яшил темирчак 16,4%, италия чигирткаси 13,2%, қир чигирткаси 17,5%, муйловдор кўнғизсимон чертмакчи 29,6%, туркистон чертмакчиси 31,2%, хумкалла (кравчик) кўнғизи 13,5%, бурундор қора кўнғиз 19,5%, чўл секин юрар кўнғизи 23,6%, акация шираси 11,6%, иссиқхона оққаноти 16,7%, тамаки трипси 36,6%, дала қандаласи 31,1%, беда қандаласи 31,1%, кузги тунлам 13,2%, ғўза тунлами 26,4%, ўргимчаккана 9,7% гача тарқалганлиги кузатилди.

5. Доривор тирноқгул агробиоценозида табиий кушандаларни учраши ва зараркунандаларни камайтиришдаги аҳамияти ўрганилганда, жами 9 турдаги табиий кушандалар учраши қайд этилди, улардан энг кўп учрагани ва зараркунандаларни камайтиришдаги аҳамиятли турлар *Bracon hebetor* Say., *Trichogramma pinto* Voegele., *Chrysopa carnea* Steph., *Sc.acariphagus* Jakh., *Coccinella septempunctata* L., *Aphidoletes aphidomyza* Rondani, *Syrphus corollae* F., каби табиий кушандалар кўп учраб зараркунандаларни камайтиришда аҳамиятли ҳисобланади.

6. Бракон энтомофагини ғўза тунламининг қуртларига қарши 1:5, 1:10, 1:15 нисбатларда қўллаб кўрилганда (кушанда: зараркунанда) энг яхши натижа 1:5 нисбатларда қўлланилган вариантда 78,5-89,2% биологик самарадорликка эришилди.

7. Ғўза тунламига қарши Престиж, суюқ (1,5-2,0 л/га), Helitec, SC (0,25-0,33 л/га) препаратлари синовдан ўтказилганда Престиж, суюқ препарати 1,5 л/га сарф меъёрида қўлланилганда биологик самарадорлик 74,2%, 2,0 л/га сарф меъёрида 79,4% га, Helitec, SC 0,25 л/га 78,3% ни, ушбу препарат 0,33 л/га сарф меъёрида қўлланилган вариантда 83,2% га тенг бўлди.

8. Доривор тирноқгул-(*Calendula officinalis* L.) да иссиқхона оққанотига қарши Биослип БВ суюқ (2,5л/га) ва Биослип БТ (1,2 кг/га) препаратлари синовдан ўтказилганда, Биослип БВ суюқ 2,5 л/га сарф меъёрида 87,5 %, Биослип БТ (1,2 кг/га) қўлланилганда 84,1% биологик самара қайд этилди.

9. Доривор тирноқгул зараркунандаларидан ғўза тунламига қарши Престиж, суюқ, Helitec, SC (0,3 л/га) препаратлари қўлланилганда сарфланган ҳар бир сўм ўзини 1,7-1,8 мартагача коплади, химоя усулининг фойдалилиги рентабеллик эса 582,5-621,0% ни ташкил этди. Иссиқхона оққанотига қарши Биослип БВ суюқ. (2,5 л/га) қўлланилган вариантда ҳар гектаридан назоратга нисбатан 1,7 центнергача ҳосил сақлаб қолинган бўлса, Биослип БТ кук.(1,2 кг/га) препарати қўлланилганда 7,1 центнер ҳосил олинган ва назоратга нисбатан 1,2 центнер сақлаб қолинган. Иссиқхона оққанотига қарши қўлланилган препаратларни иқтисодий самарадорлиги 9054,4-12389,6 минг сўмни ташкил этган.

10. Доривор тирноқгул ўсимлигининг асосий зараркунандалари микдорини бошқаришда қуйидаги кураш усуллари:

доривор тирноқгул ўсимлигининг тупроқ ости ва ниҳол зараркунандаларидан кузги тунлам, қарсилдоқ ва қора қўнғизларга қарши март-апрел ойларида Агро гаучо 70% н.кук. (5 кг/т) ва Крейсер Экстра Голд 362 (3 л/т) сус.к., препаратлари билан дорилаб экиш;

сўрувчи зараркунандалардан, ширалар, трипслар, оққанотларга қарши Биослип БВ суюқ. (2,5-3,0 л/га), Биослип БТ кук. (1,0-1,2 кг/га) препаратларини Тошкент вилояти шароитида май-июн ойларида, Қашқадарё вилояти шароитида эса апрел-май ойларида, ўргимчаккана, ўсимликхўр қандалаларга қарши май-июн ойларида қўллаш;

доривор тирноқгул экинида ғўза тунлами куртларига қарши Тошкент вилояти шароитида май-июн ойларида, Қашқадарё вилояти шароитида эса май, июн, июл ойларида бракон энтомофагини 100 туп ўсимликда 1-2 дона курт учраганда 1:10, 1:15 нисбатларда, 3-4 дона курт учраганида 1:5 нисбатда қўллаш ва куртлар сони 4-5 тадан ошганида микробиологик препаратлардан Лепидоцид БФ-3000 (0,8-1,0 кг/га), Престиж, суюқ (1,5-2,0 л/га), Helitec, SC (0,25-0,33 л/га) препаратлари билан ишлов бериш;

зарарли чигирткалар ва темирчакларга қарши Тошкент вилояти шароитида май-июн ойларида, Қашқадарё вилояти шароитида апрел-май ойларида Новакрид, н.кук. (0,025-0,030 кг/га) препаратлари билан ишлов ўтказиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РУЗИКУЛОВ ДАВЛАТБЕК НАЗРАЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ УПРАВЛЕНИЯ ЧИСЛЕННОСТИ
ОСНОВНЫХ ВРЕДИТЕЛЕЙ ЛЕКАРСТВЕННОЙ РАСТЕНИЙ
КАЛЕНДУЛЫ (*CALENDULA OFFICINALIS* L.) НА ОСНОВЕ
ИЗУЧЕНИЯ ИХ БИОЭКОЛОГИИ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером В2022.4. PhD/Qx1034

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.psu yaiti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Zionet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Холлиев Асамиддин Тураевич
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Официальные оппоненты:

Эшчанов Баходир Рузумбоевич
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

Акромов Бахтияр Акмалович
Кандидат сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт лесного хозяйства

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «_____» _____ 2025 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзНИИХ, НИИССАВХ Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: paxta.uz@gmail.ru

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за номером _____). (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзНИИХ, НИИССАВХ Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2025 года).

Ш.Н.Нурматов

Председатель Научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Ученый секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Председатель Научного
семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большой внимание уделяется выращиванию производству лекарственных растений и их переработке на фармацевтических предприятиях, с целью обеспечения населения качественными лекарственными продуктами. Более 50% лекарственных средств, производимых в фармацевтической промышленности, изготавливаются из сырья лекарственных растений, особенно это касается препаратов для лечения и профилактики сердечно-сосудистых заболеваний (77%), заболеваний печени и желудочно-кишечного тракта (74%), отхаркивающих средств (73%) и средств для остановки кровотечения (60%). В настоящее время в таких странах, как Индия, Китай, Россия, Украина и в других, а также в нашей республике наблюдается ущерб от различных вредителей, таких как колорадский жук, корнееды, тли, трипсы, что может привести к снижению урожайности на 25-30% и даже к гибели растений другими вредителями¹. В связи с этим для полного удовлетворения потребности населения в качественных лекарственных препаратах особую актуальность приобретает защита этих культур от вредных организмов и добиться высоких и высококачественных урожаев.

В мире разработка эффективных систем борьбы с вредителями, которые наносят ущерб основным лекарственным растениям, на основе изучения их видового состава, биоэкологических особенностей, распространения и вредоносности имеет важное значение для развития фармацевтической отрасли. Кроме того, актуальными являются научные исследования направленные на повышение качества, объема и видов лекарственных продуктов за счет культивирования новых дикорастущих лекарственных растений, расширения плантаций и разработки экологически безопасных систем защиты растений от вредителей.

В условиях Узбекистана осуществляется ряд широко масштабных мер по удовлетворению потребностей населения в лекарственных растениях. Совершенствование методов борьбы с вредителями способствует значительному сохранению урожая. В Постановлении Президента Республики Узбекистан №-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегия развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»² одной из приоритетных задач обозначено укрепления институционального потенциала по обеспечению биологической безопасности, контролю за использованием природных ресурсов, пестицидов и химикатов в сельском хозяйстве. В связи с этим одной из важных задач является повышение урожайности путем применения эффективных методов борьбы с вредителями лекарственных растений.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит

¹ www.fao.org.2023.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № ПФ -5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы.

выполнению задач предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №-4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», Указе №-139 от 20 мая 2022 года «О мерах по созданию цепочки добавленной стоимости посредством эффективного использования сырьевой базы и поддержки переработки лекарственных растений», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Проблема изучения вредителей лекарственных растений, их биологических особенностей, степени вредоносности, а также методов биологической борьбы с ними привлекала внимание многих зарубежных и отечественных исследователей.

